

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ  
(\_25287)

2022 й. «8» 6

2022-532-1-22-ОВ-

Тосе Туя ш.

сон

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Андижон вилояти Избоскан тумани Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари Б.Раҳмонов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “ Андижон бетон курувчи ” МЧЖ помидан Низом асосида директори А.Толибжонов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Тарифлар

1.Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

“ижро хужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани парҳизини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича “ Избоскан туман Туячи МФЙ Файзобод ва Ёш тадбиркор кучалари объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига



қурилиш ишларини бажариш учун зарур шартлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил лот рақами “22110012095671” электрон баённомаен) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 980,000000 (Туккиз юз саксон миллион) сўмини ташкил этади.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “ 1 ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшашиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.



8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### VI. Ишларни бажариш муддати

Ишларнинг бошланиши 2022 йи Июнь ойи, тугатилиши 2022 йил 30 Июль ойи.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 50 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказилади, бу 294,000000 (Икки юз туксон турт миллион) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)



16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда:

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоиз молиялаштириш амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 25 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва



объектни ботлаш (привезка) қилиш учун Пудратчиға геолозия нукталари, уларнинг координатлари ва баъзиллик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геолозия нукталарига, ливиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баъзиллик белгилари Улачмлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлаштирилган учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геолозия ишларида ҳаётлар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ичига олган киргизилди.

29. Пудратчи геолозия бўлиши ишларида ўрнатилган координатлар ва баъзилликлар, геолозия белгиларини жойлаштириш схемаларини ва жалваларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугатилгандан кейин уларни даволатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонига ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бўтловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати дойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларида, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида берkitилган конструкциялар ва берkitилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш даволатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида берkitилган ишлар текшируви даволатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар яширин ишлар даволатномасида Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ яширин ишлар даволатномасининг исгалган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг мафратларида жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исобатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатга қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузатга олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тугаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини сулуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.



38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқishi тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

### IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар Қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч Ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч Ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч Ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҲокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у Ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.



46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 (беш) кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.



### ХIII. Шартномани бекор қилиш

#### 52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### ХV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

60. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун



сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикishi туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортish, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди Пудратчидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

72. Мазкур шартнома вилоят ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

#### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари



**“БУЮРТМАЧИ”**

Номи: “Ободонлаштириш  
бошкармаси

Манзили: М.Улугбек Янги  
бозор кучаси

Ш/Х  
401722860032147045204110003

ИНН :200271354  
Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги  
Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент

Х/Р 23402000300100001010  
МФО: 00014

ИНН: 201122919

Индекс:170132

Бошлик:

 Б.Рахмонов



**“ПУДРАТЧИ”**

Номи: “Андижон бетон курувчи” МЧЖ


Манзили:Андижон шаҳар колхозное 11

Банк номи Халк банки  
Х/Р:20208000604850807001

МФО: 00649  
ИНН: 301349229

ОКНХ:61133  
Тел:916150605

Индекс:



Раҳбар:

  
А.Толибжонов



ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ХУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН  
ХУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

№СХ10030231

1. Лойиҳанинг тури: Фуқаролик шартнома
2. Лойиҳанинг номи: ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ.
3. Буйруқ лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:  
Избоскан тумани ободонлаштириш бўлими томонидан 2022-йил 7 июнь куни  
ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Юридик хизмат кўрсатиш маркази  
Бош юрисконсулти



А.Зухридинов

08.06.2022





## XALQ DEPUTATLARI IZBOSKAN TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 7 - may

VI-34-40-1-22-K/22

Izboskan tumani hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет”  
- ахборот портали орқали фуқаролар томонидан билдирилган  
таклифларга овоз бериш бўйича ғолиб деб топилган тадбирлар учун  
маблағ ажратиш тўғрисида**

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши устидан депутатлар назоратини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги КҚ-213-IV-сонли қарорларига асосан халқ депутатлари Избоскан туман Кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига асосан 2022 йилнинг 1-босқич жараёнларида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларни молиялаштириш учун жами 7 млрд. 170 млн. 480 минг сўм (шундан 5 млрд. 500 млн. 098 минг сўм 2022 йил туман маҳаллий бюджети харажатларининг 5 фоиз қисми ҳисобидан, 1 млрд. 455 млн. 639 минг сўм ўтган 2021 йилда харажатга йўналтирилмаган маблағ ҳисобидан, 214,7 млн. сўм 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан)



миқдоридаги маблағлар йўналтирилганлиги, шунингдек, “Очиқ бюджет” ахборот порталига жами 125,0 та таклифлар келиб тушганлиги, ушбу таклифлар ишчи гуруҳ томонидан тегишли тартибда кўриб чиқилиб 3,0 таклифлар рад этилганлиги, қолган 122,0 та таклифлар овоз бериш жараёнларига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Очиқ бюджет” ахборот порталига келиб тушган таклифларга овоз бериш жараёнлари жорий йилнинг 5 март кунидан 1 апрель кунига қадар ўтказилиб, овозлар сонидан келиб чиқиб якуний натижалар 1-иловага мўътадиласансин.

“Очиқ бюджет” ахборот порталига 2022 йил 1-босқич учун ажратилган маблағлар доирасида якуний натижаларга кўра, қуйидаги таклифлар ғолиб деб ҳисоблансин:

-1895 та овоз билан ID: 0330400025-сонли Избоскан туман Гуркиров МФЙ ҳудудида жойлашган 27-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносини эшик ва ромларни янгилаш, (қиймати 700.0 млн. сўм)

-1887 та овоз билан ID: 0330400099-сонли Гузар МФЙ ҳудудида 12-умумий ўрта таълим мактабининг моддий техника базасини яхшилашга, (қиймати 750.0 млн. сўм)

-1795 та овоз билан ID: 0330400047-сонли М.Улуғбек МФЙ ҳудудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси ички касаликлар бўлими биносини жорий таъмирлашга, (қиймати 530.0 млн. сўм)

-1755 та овоз билан ID: 0330400051-сонли Солбоши МФЙ ҳудудида жойлашган 21-мактабгача таълим ташкилотини қўрғон девор қилиш, (қиймати 300.0 млн. сўм)

-1586 та овоз билан ID: 0330400068-сонли Туячи МФЙ ҳудудида жойлашган Файзабод ҳамда Ёш тадбиркор кўчаларини асфалт қилиш, (қиймати 1.0 млрд. сўм)

-1494 та овоз билан ID: 0330400050-сонли Навжур МФЙ ҳудудида жойлашган Лугумбек маданият уйига иситиш тизимни янгилаш, (қиймати 550.0 млн. сўм)

-1374 та овоз билан ID: 0330400053-сонли Навоий МФЙ ҳудудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси Тез ёрдам бўлимини истиш тизими ҳамда бинони фасат қисмини жорий таъмирлаш, (қиймати 480.0 млн. сўм)



-1342 та овоз билан ID: 0330400093-сонли Солбони МФЙ худудида жойлашган 38-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносини эшик ва ролларни ҳамда сиф хоналарини пол қисмини янгилаш, (қиймати 1.0 млрд 80 млн. сўм)

-1199 та овоз билан ID: 0330400007-сонли М.Улугбек МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиника ташқи қисмини ҳамда бинони 1 қаватни таъмирлашга, (қиймати 490.0 млн. сўм)

-1109 та овоз билан ID: 0330400048-сонли Зарбдор МФЙ худудида жойлашган 4-умумий ўрта таълим мактабининг таъмир талаб сиф хоналарини таъмирлаш ҳамда спорт зални таъмирлашга, (қиймати 250.0 млн. сўм)

-993 та овоз билан ID: 0330400006-сонли Зарбдор МФЙ худудида жойлашган 4-умумий ўрта таълим мактабининг иситиш тизимини таъмирлашга, (қиймати 200.0 млн. сўм)

-991 та овоз билан ID: 0330400095-сонли А.Жомий МФЙ худудида жойлашган дорвоз кўчасини бетон йўл қилишга, (қиймати 960.0 млн. сўм)

3.Ғолиб деб топилган таклифлар учун ажратилиши белгиланган жами 7 млрд. 290 млн. сўм маблағни молиялаштириш бўйича 1-иловага мувофиқ манзилли дастур тасдиқлансин.

4.Избоскан туман хокимлиги туман молия бўлими (Б.Ахмедов) ва туман Ғазначилик бўлинмаси (Ф.Хақназаров) ушбу қарор асосида тадбирларни молиялаштиришни таъминлаш мақсадида, жамҳарма маблағлари ҳисобидан ғолиб бўлган ташкилотлар учун ДМБАТ дастурида очилган ҳисоб рақамига маблағлар йўналтирилиши.

5.Ғолиб бўлган ташкилотлар, туман Халқ таълим бўлими мудир (А.Абдукаримов), туман Тиббиёт бирлашмаси бош шифокори (А.Абдужабборов), туман Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари (Б.Раҳмонов), туман Мактабгача таълим ташкилоти бўлимаси мудир (Р.Қамбарова), туман Маданият бўлими директори (Д.Муллажонов)лар ажратилган маблағларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда тўғри сарифланишини таъминлансин.


6.Ғолиб бўлган ташкилотлар амалга оширилган ишлар юзасидан Халқ



депутатлари туман Кенгаши ва туман хокимлиги хузуридаги ишчи гуруҳга маълумот киритиб борилишини таъминлансин.

Маъмур қарорни ижросини назорат қилиш, Халқ депутатлари Избоскан туман Кенгашининг Махаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорларни ривожлантириш масалалари бўйича лойиҳа комиссия раиси (А.Каримов) ҳамда туман хокимининг ўринбосари (Б.Қамбаров) зиммасига юқлатилсин.

Туман хокими




С.Исмоилов



Xalq deputatlari Izboskan tuman  
Kengashining  
2022 yil 7 maydagi  
VI-34-40-1-22-K/22-son qaroriga  
I-ilova

№	Галиб таклиф маълумотлари			Амалга оширишнинг аниқланган киймати	Хақиқатда ажратилган*	Молиялаштириш манбаи (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри)	Буюртмачи ташкилот
	Таклиф ID рақами	Қисқача мазмун	Тўплаган овозлари сони				
"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланиган маблағ					7 170 480	x	x
1	330400025	Избоскан туман Гуркирон МФЙ ҳудудида жойлашган 27-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносини эшик ва ромларни янгилаш	1895	700 000	700 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълим бўлими
2	330400099	Избоскан туман Гузар МФЙ ҳудудида 12-умумий ўрта таълим мактабининг моддий техника базасини яхшилашга	1887	750 000	750 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълим бўлими
3	330400047	Избоскан туман М.Улугбек МФЙ ҳудудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси ички касаликлар бўлими биносини жорий таъмирлашга	1795	530 000	530 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Тиббиёт бўлими
4	330400048	Избоскан туман Солбоши МФЙ ҳудудида жойлашган 21-мактабгача таълим ташкилотини қўргон девор қилиш	1755	300 000	300 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Мактабгача таълим бўлими
5	330400068	Избоскан туман Туячи МФЙ ҳудудида жойлашган Файзабод ҳамда Ёш тadbirkor кўчаларини асфалт қилиш	1586	1 000 000	1 000 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Ободонлаштириш бўлими
6	330400050	Избоскан туман Навжур МФЙ ҳудудида жойлашган Лугумбек маданият уйига иситиш тизимини янгилаш	1494	550 000	550 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Маданият бўлими
7	330400053	Избоскан туман Навоий МФЙ ҳудудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси Тез ёрдам бўлимини иситиш тизими ҳамда бинони фасат қисмини жорий таъмирлаш	1374	480 000	480 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Тиббиёт бўлими
8	330400093	Избоскан туман Солбоши МФЙ ҳудудида жойлашган 38-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув биносини эшик ва ромларни ҳамда синф хоналарини пол қисмини янгилаш	1342	1 080 000	1 080 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълим бўлими
9	330400067	Избоскан туман М.Улугбек МФЙ ҳудудида жойлашган Тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиника ташқи қисмини ҳамда бинони 1 қаватни таъмирлашга	1199	490 000	490 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Тиббиёт бўлими
10	330400048	Избоскан туман Зарбдор МФЙ ҳудудида жойлашган 4-умумий ўрта таълим мактабининг таъмир талаб синф хоналарини таъмирлаш ҳамда спорт зални таъмирлашга	1109	250 000	250 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълим бўлими
11	330400006	Избоскан туман Зарбдор МФЙ ҳудудида жойлашган 4-умумий ўрта таълим мактабининг иситиш тизимини таъмирлашга	993	200 000	200 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Халқ таълим бўлими
12	330400095	Избоскан туман А.Жомий МФЙ ҳудудида жойлашган дорвоз кўчасини бетон йўл қилишга	991	960 000	960 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Ободонлаштириш бўлими



# MEGA PROM LOYIHA

## MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

Andijon viloyati Andijon shahar A.Yo'ldoshev ko'cha 6-uy. "O'zsanoatqurilishbank" ATB "Bunyodkor" filiali  
X/r: 20208000705262303001 MFO:00076 INN: 307513384 tel. (97) 346 02 70.

### СМЕТНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ

КАПИТАЛЬНЫЙ РЕМОНТ УЛИЦЫ "ЁШ ТАДБИРКОРЛАР И  
ФАИЗИБОД" В МФЙ "ТУЯЧИ" В ИЗБАСКАНСКОМ РАЙОНЕ  
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ ПРОТЯЖЕННОСТЬЮ 2593,0 М

(ПОСЛЕ ЭКСПЕРТНОГО ЗАКЛЮЧЕНИЯ)

Андижан 2022 год.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Андижон вилояти

Andijon viloyati 170100, Andijon Shahri, A.Navoiy shox ko'chasi 30-uy. Tel/Faks (374) 223-57-82, E-mail:  
ekspert-2312@mail.ru. www.ekspertiza.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: MASHRAPOV AXRORBek AKRAMOVICH

Sana: 26-05-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 43976**

**Obyekt nomi** «"Izboskan tumani "Tuyachi" MFY "Tadbirkorlari" va "Fayzobod» ko'chalarining 2593,0m qismini joriy ta'mirlash" »

**Buyurtmachi** - "Mega Prom Loyiha" MCHJ

**Bosh loyihachi** - "Mega Prom Loyiha" MCHJ

**Litsenziya** Ozbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi AL-001650 sonli  
22.02.2021y

**Moliyalashtirish manbai** - byudjet mablag'lari hisobidan

**Bosh pudratchi** - **Мукаммап таъмирлаш**

**Qurilish turi** joriy ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 43439

**1. Loyihalash uchun asos**

Xalq deputatlari Izboskan tuman kengashiining 2022 yil 07.05dagi №VI-34-40-1-22-K/22 sonli qarori.

2022yildagi "Izboskan tumani obodonlashtirish boshqarmasi" boshlig'i tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar dalolatnomasi

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

Lokal resurs xujjatlar.

Tushuntirish xatlari.

Yig'ma lokal xujjatlar

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Ob'ektning peshxisob xisoblari bo'yicha, tasdiqlangan nuqson dalolatnoma asosida quyidagi ish turlari bajarilishi ko'zda tutilgan:

Yo'l poyinining uzunligi - 216m, 410m, 249m, 490m, 442m, 743m, 43m. Avtogreyder bilan yo'lning bo'ylama va ko'ndalang profilini qayta tiklash. Qum shag'al aralashmasi bilan tekislovchi qatlam yotqizish. Mexanizm yordamida 5sm qalinlikda qaynoq maydonni zich asfaltobeton qorishmasi yotqizish. Yo'l yoqasiga 5sm qalinlikda qum shag'al aralashmasi yotqizish va qum yotqizish. Qorishma ustiga bitum sepish ishlari

**4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik tashkiloti:**

## 5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

## 6. Ekspertiza natijalari.

Tushuntirish xatining tartibga keltirilishi.

Ish xaqi xarajatlari Vaqtinchalik tartib bilan kelishilgan xolda tartib asosida aniqlangan:

- Quruvchilarning o'rtacha oylik ish xaqi xisobotlar asosida keltirilgan.
- Ijtimoiy sug'urtaga xisoblanish 2021 yil ko'rsatkichlari asosida qabul qilingan.

Pudratchi xarajatlari SHNK-4.01.16-09ga asosan keltirilgan.

Buyurtmachi xarajatlari xisobga olinmagan.

Tavakkalchilik koeffitsienti xisobga olinmagan.

Mashina va maxsulotlar qiymati tegishli me'yoriy xujjatlar asosida aniqlik kiritilgan.

Ijtimoiy sug'urtaga o'tkazmalarni aniqlash uchun O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 04.12.2014 yildagi PFP-2270 sonli Farmoniga kiritilgan №25 sonli ilovadan foydalanish zarur.

Taqdim etilgan 15% QQS bilan hisoblangan umumiy miqdori 999689,731 ming so'mni tashkil qilgan. Ekspertiza ko'rigidan so'ng 8785,469 ming so'm ishchi hodimlarning ish haqi va mashina mexanizlar xarajatlari hisobiga kamaygan

## 7. Xulosalar.

Peshxisob xisoblari bo'yicha: "Izboskan tumani "Tuyachi" MFY "Tadbirkorlari" va "Fayzobod» ko'chalarining 2593,0m qismini joriy ta'mirlash", ob'ektini quyidagi texnika-iqtisodiy ko'rsatkichlariga ko'ra keyingi kelishuv va tender savdolarini o'tkazish uchun tavsiya etiladi:

Me'yoriy mehnat sarfi - 39,05 kishi/kun.

Joriy narxdagi tavsiyaviy (boshlang'ich)

miqdori 15% QQS bilan - 990904,261 ming so'm.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qarori va ShNK 4.01.16-09 me'yorlariga muvofiq tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'ektning qiymati buyurtmachi tomondan belgilanadi. Tasdiqlash uchun tavsiya etilgan ta'mirlash va qurilish ishlari narxi boshlang'ich xisoblanib, asosiy qarorni buyurtmachi va bosh pudrat korxonasi tomonidan shartnomaviy munosabatlar orqali amalga oshiriladi.

ShNK 1.03.06-13da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaxarsozlik xujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyixalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyixa qarorlari bo'yicha) yuklatiladi».

**Bosh mutaxassis:** Xaldarov Jur'at Alimdjanovich



Итого: 1000000000

Сводный баланс объектов и материально-технических средств

Сводный баланс объектов и материально-технических средств на 31.12.2019 г.

Итого: 1000000000

№ п/п	Наименование объектов и материально-технических средств	Сумма, руб.
1	Затраты на приобретение, монтаж и установку в учетной организации и законченных объектах работ	0,000000
2	Затраты на приобретение, монтаж и установку баз учета организации и законченных объектах работ	0,000000
3	Затраты на приобретение оборудования и учета материальной на балансовых средствах	0,000000
4	Затраты на приобретение данных и лицензий в учетной организации	0,000000
5	Прочие затраты организации	0,000000
6	Транспортные расходы на материалы	0,000000
7	Прочие затраты организации 10, 11 %	0,000000
8	Затраты на страховые обязательства объектов	0,000000
9	Затраты на покрытие риска, определенная доля из предусмотренной суммы роста цен и страховые на покрытие	0,000000
10	ИТОГО стоимость строительства в договорных текущих ценах	0,000000
11	ИТОГО	0,000000
12	ИТОГО стоимость строительства в договорных текущих ценах	0,000000

